

Ўз ватандошларининг киёфаси ва феъл-атвори хорижий юртларга чикиб айгокчилик килишга ярамаслигини яхши англаб етган...

Ўрта асрлар харбий айгокчилик жадал ривожланган даврга айланди. Хуфёна маълумотларга эга бўлиб, "фаол тадбирлар" олиб борган ўша замон саркардалари жуда катта куч-кудрат ва илгор харбий техника сохиби бўлган душман устидан ҳам осонгина галабага эришганлар. Тарихий адабиётларда Чингизхон аскарларини ўта ёввойи, вахший истилочилар сифатида тасвирлашади. Улар камчиликни ташкил этишига карамай, ўз йўлида учраган хар кандай тўсикни, кишлоква шаҳарлар кулини кўкка совуриб кетаверган. Чингизхон лашкарлари ана шу жихати билан ҳам кўп сонли ракибларининг кўнглига гулгула солиб, уларни дахшатга туширган.

Дархакикат, унинг кўшинлари санокли даражада оз бўлса ҳам, аксарият холларда душман устидан зафар куча олган. Чунки мўгул аскарлари ўта интизомли бўлиши билан бирга, улар фаолияти ҳам яхши йўлга кўйилган. Лекин Чингизхоннинг хашиша голиб бўлишига шу омиллар етарли бўлган дейсизми?

Йўк асло. Бундан ташкари, унинг саркардалик салохиятини юксалтирган бошқа жихатлари ҳам мавжудки, уни эътиборга олмай иложингиз йўк. Хўш, ушбу жихат нима экан?

Бу нарса, унинг армиясида айгокчилик (разведка) хизматининг яхши йўлга кўйилгани эди. У душман томоннинг харбий имкониятларини, сиёсий вазиятини яхши билмай туриб, уларга карши кўшин тортиб бормасди. Шунингучун ҳам Чингизхон ўз салтанатида расмий равишда "туршу-улч"—айгокчилик мансабини жорий этган. Шунингдек, у душман томон айгокчиларини кузатиш хизмати ҳам ташкил қилган ва уларга Мўгуллар кўл остидаги ерларда кўлга тушган бундай кишиларни каттик кийнаш ҳукукини берган.

Буюк саркарда ташки айгокчиликка алоҳида эътибор қаратган. Ўз ватандошларининг киёфаси ва феъл-атвори хорижий юртларга чикиб айгокчилик килишга ярамаслигини яхши англаб етган Чингизхон, ўзига содик чет эллик гумашталарини ёллаган. Бунинг учун у биринчи навбатда Буюк Ипак Йўли орқали махсулот ортилган қарвонларни бошқариб боровчи савдогарларнинг кўнглига кўл солган. Улар орасидан ўзига хизмат қилувчи содик кишиларни саралаб олишнинг уйдасиан чиққан. Хитойдан Олд Осиё ва Европага сафарга чиққан қарвон савдогарлари белгиланган манзилдан қайтишда улар орасидан мўгулларга хизмат қилувчи хос кишилар Чингизхонга ўзлари борган юртлар хақида қимматли маълумотлар олиб қелишарди. Масалан, улар маълум бир ҳудуднинг географик ўрни, жойлашуви, йўллари, аҳолиси, харбий истехкомлари ва хоказолар хусусида бўларди. Энг ишончли деб топилган айгокчиларга алоҳида аҳамиятга молик шахс сифатида пайза— унвон бериларди. Нозиктилла шаклига эга белги олган бундай хорижлик айгокчилар хашиша Чингизхон салтанати химояси остида бўларди. Пайзани кўрсатган кишига мўгуллар ҳукмронлигидаги хар кандай ҳудуд ҳукумати зарур ёрдам беришга мажбур эди. Агар лозим бўлса, уларга керакли микдорда озик-овқат, от-улов, йўлбошловчи ва хатто тилмоч ҳам бериларди. Шахсан Чингизхон томонидан йўлга кўйилган ташки айгокчилик хизмати, буюк ҳоконнинг харбий юришларида кўплаб зафар қелтирди.

"Махсус хизмат"нинг бундай муҳим аҳамиятини, Чингизхоннинг энг яхши айгокчиларидан

бири бўлмиш хоразмлик бой савдогар Махмуд Ялавоч мисолида яккол кўриш мумкин. Чингизхон унинг айгокчилик хизматлари, яъни у келтирган аник маълумотларга таяниб 1220-1221 йилларда Хоразм давлатини босиб олишга муваффақ бўлди.

Мўгул истилосига қадар Хоразм жуда катта улкан кудратга эга мустақил давлат эди. Қарийб йигирма йил давомида (1200-1220) ўзига хос йирик салтанатни Хоразмшоҳ Мухаммад Алоуддин бошқарди, давлат ҳудудини мунтазам равишда кенгайтириб борди. Қўлга киритилган аллақайси галабасидан кейин унинг номи расмий ҳужжатларда "Искандари-дуюм"—"иккинчи Искандар" (Александр Македонский) деб қайд этила бошланди. Хоразм давлати ҳудуди кўпмиллатли эди. Шаҳар ва қишлоқлари обод бўлиб, улар атрофи мустаҳкам деворлар билан ўраб олинганди. Давлатнинг салкам ярим миллион кўшинли армияси ва Жалолиддин (шоҳнинг ҳушламаган ўғли), Темур Малик (Хўжанд ҳокими) каби тажрибали саркардалари бор эди. Аслида, Чингизхон аввалига Хоразм давлати билан урушмокчи бўлмаган. Ҳеч бўлмаганда, бу ишни у бирмунча кечроқ амалга оширмокчи бўлган. У ҳатто ўз элчилари орқали Мухаммад Алоуддин Гарбнинг енгилмас ҳукмдори сифатида тан олишни билдиради. Ўзини эса Шаркнинг буюк ҳокони деб айтади.

Чингизхоннинг бу давлат устига кўшин тортиб келишига, қучли Хоразм ҳарбий истехкоми жойлашган чегара шаҳар—Ўтрорда юз берган воқеа сабаб бўлади.

Қунларнинг бирида Хитойдан Мўғулистон орқали Ўтрорга 500 туядан иборат қарвон келади. Савдогарлар жуда ноёб моллар келтиришади. Тилла буюмлар, ёқут ва олмос, нафис Хитой чинни буюмлари, ҳарир ипак матолар шулар жумласидандир. Улар бу молларни нисбатан анча арзон баҳоларда сотиб, бошқа тижоратчиларнинг харидорларини ўзларига жалб этиб олишади. Бундан кўзланган мақсад кейинчалик ҳам доимий мижозга эга бўлиш эди. Шунингдек, бу савдогар ва сарбонлар тижорат ишларига мутлақо алоқаси бўлмаган маҳаллий аҳоли вакиллари билан шаҳар мудофаасига жалб қилинган кўшин миқдори, истехком деворлари тузилиши каби масалалар ҳусусида суҳбатлар қуришарди...

Шаҳар коменданти Инолчик Қоирхоннинг мақкур қарвончиларни айгокчиликда гумон қилишга тўлиқ асослари бор эди. Шу боис уларнинг барчаси асирга олиниб, зиндонга ташланади ва бир қишигина қочиб кетишга муваффақ бўлади ва у Мўғулистонга; эсон-омон етиб келиб, қарвончилар билан бўлиб ўтган воқеани шаҳсан Чингизхоннинг ўзига етказади. Бу пайтга келиб мусодара қилинган моллар сотиб юборилади, савдодан тушган маблағнинг асосий қисмини Хоразмшоҳ ўзига олади.

Чингизхон ушбу масалани битта шарт асосида тинч йўл билан ҳал қилишга тайёр эди. Яъни, у қарвончиларни гумдон қилиш ташаббусқори Қоирхонни ўзининг ихтиёрига беришини сўраб элчи юборади. Агар Хоразмшоҳ унинг ушбу талабига рози бўлганида балки икки буюқ салтанат ўртасида бу даражада қонли тўқнашувлар, ҳунрезликлар содир бўлмасди. Бироқ Чингизхоннинг қуч-қудратига, ҳарбий салоҳиятига етарлича баҳо беришни ўзига эп қўрмай, уни заррача менсимаган Мухаммад Хоразмшоҳ мўгул элчилари бошлигини ўлдиради, унинг ҳамроҳларини эса ўлар ҳолга қелгунича қалтақлатади. Шу билан қифояланмай, уларни мамлакат чегарасидан ташқарига чиқариб, соқолларини қуйдиришади. Бу ҳол элчилар учун ўлим даражасидаги таҳқир ва ҳақорат эди.

Ўз-ўзидан маълумки, Чингизхон қўл остидаги қишиларга нисбатан ўтказилган бундай зулмга шунчаки қўз юмиб кетавермасди, албатта. Бунинг устига, у ўзининг кўпсонли айгокчилари орқали Хоразм "иши" ҳусусида батафсил маълумотларга эга бўлибгина қолмай, мамлакатдаги мавжуд тартиб-қоидалар, кўшиннинг ҳарбий ҳолати, сиёсий

вазият тўғрисида ҳам тўлик тасаввур ҳосил қилиб улгурганди. Ман-манлик ва кибр дардига мубтало бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ эса мўғуллар борасида ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. У йўл-йўлакай эшитган хабарларига таяниб, бу саҳроийлар ҳарбий санъатни унчалик яхши билмайди, деб ўйларди. Шарқона қилиб айтадиган бўлсак, Хоразмшоҳ "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил", деган халқ нақлини бутунлай унутди. Унинг феъл-атворидаги бундай салбий хусусият ўз бошига чексиз кулфатлар келтирди. Ўзини Худонинг ердаги сояси деб юрган шох саройи мўғуллар томонидан шармандаларча енгилди.

Чингизхон қутилмаганда жадаллик билан Ўтрорга бос тириб келди. У шаҳарни ОСОН-ЛИКча ишғол қилиб, ер билан яқсон этди, асирларнинг қони бамисоли дарё бўлиб оқарди. Инолчик Қоирхон ғайриинсоний мақомдаги ўлим ҳукмига маҳкум қилинди, яъни унинг томоғига эритилган қумуш қуйдирди.

Хоразм лашкарлари сон жихати-дан мўғул қўшинларидан икки-уч баробар устун эди. Аммо, Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳимоя мудофааси борасида тайинли қарорга кела олмай, қўрқоқлик қилди. Бунинг ўрнига у ўз лашкарларини алоҳида-алоҳида бўлиб юбориб, қўшин ўртасида парокандаликни вужудга келтирди.

Истехком қалъаларига ўрганмаган мўғуллар уларни ёриб ўтолмай, овора бўлгач, яна чўлга қайтиб кетади, деб ўйлаб қатта хатога йўл қўйди. Таассуфки мўғуллар ортга қайтмади. Улар ўз гумашталари воситасида душман томоннинг ички вазияти тўғрисида мунтазам равишда тезкор маълумотлар олиб туришарди. Бу эса ўз навбатида кенг қўламда жанг олиб бориш имконини яратди. Қайси шаҳарга қай томондан ҳужум қилишни белгилаб олиш, дастлаб қаерга тошотар қуроллар, девор йикитувчи қурилмалар етказиш кераклигини аниқ-лашда асқотарди. Айгокчилар келтирган хуфёна маълумотларга таяниб иш қўрган мўғуллар қўпгина жойларда осонгина ғалабага эришарди. Хоразм аскарлари орасида эса бундай тезкор иш юритувчи "махфий хизмат" деярли йўлга қўйилмаганди.

Алалоқибат енгилмас ҳисобланган Хоразм салтанати босқинчилар ҳужумидан кейин бир йил ўтиб ер билан яқсон бўлди, инкирозга юз тутди. Қўплаб обод шаҳарлар вайрон қилинди, айримлар ер юзидан мутлақо супуриб ташланди. Аҳоли қул қилинди, қўпчилиги қириб ташланди. Миллионлаб кишилар устидан ҳукмронлик қилган Муҳаммад Алоуддин Хоразмшоҳ Каспий денгизининг Обескун номи мўъжазгина оролчасида яққаланиб қолди ва ўз жонига қасд қилди. Айни шу дамда у атиги бир неча малайлари билан қолганди, ҳолос.

Мўғуллар ишғол этилган вилоятларга айгокчи савдогар Маҳмуд Ялавоч ҳоким этиб қўйилди. Кейинчалик у Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой билан тортишиб қолади. Натижада Ўрта Осиёдан бутунлай чиқиб кетишга мажбур бўлади. Аммо тугма қобилиятли ушбу айгокчини ранжитишмайди. Чунки у Чингизхоннинг Хоразм давлатини босиб олишида бекиёс хизмат қўрсатганди. Шу боис уни Пекин шаҳар губернатори лавозимига ишга қўядилар. Ялавоч то умрининг охиригача, яъни 1254 йилга қадар мазкур вазифада ишлади. Ўзининг ашаддий айгокчилик, ҳоинлик фаолиятини савдогарлик қасби билан никоблаб яшаган Маҳмуд Ялавоч ана шундай шахс эди. Чингизхоннинг буюқхокон бўлиши, улкан мўғул салтанатини бунёд этишида асосий аҳамият қасб этган омиллардан бири, бу унинг ўз армиясида махсус айгокчилик хизмати тизими йўлга қўйилгани ва бу масалага алоҳида эътибор қаратганидир. Табиийки у ўз саркардаларининг фаолиятида айгокчилик хизматидан фойдаланмай туриб, бунча қўп ютуқ ва шон-шухратга эриша олмасди.

Рус тилидан Рахмон КОДИР таржимаси